БИР ЙЎЛА ЎН БИР ТРАКТОР

НАВОИЙ. «Нарпай» жамоа хўжалиги Навоий туманидаги иқтисодий жиҳатдан ўзини ўнглаётган хўжалик-лардан саналади. Бу ерда техника воситалари мавсумга созлаб қўйилган. Қизиғи шундаки, хўжаликка бир йўла 11 та «ТТЗ» чопиқ тракторлари келтирилди. Шунингдек, ўнта ҳайдов тракторининг мотори, шунчадан тележка ва культиватор сотиб олинган. Қарийб 40 миллион сўмлик сарф-харажат бу хўжаликнинг молиявий аҳволи яхшиланиб бораётганидан нишонадир.

Музаффар ШАРОПОВ.

АЙЁМГА ҲОЗИРЛАНИБ

НАМАНГАН. Попда баҳор айёмига ҳозирлик қизғин. «Ўзбекистон», «Дўстлик» каби кўчаларда бинолар оқ ғишт билан пардозланмоқда. Гулзор ва ҳиёбонлар манзарали панжаралар билан ўралмоқда. Байрамгача янги иншоотларни қуриб битказиш кўзда тутилган. Вилоят марказидаги Бобур номли боғда эса 30 дан кўпроқ қозонда сумалак ҳозирлаш мўлжалланган. Муҳими вилоят ҳокимининг қарорига кўра 14 мартда ҳашар ўтказилиб, ишлаб топилган маблағ ҳисобига ногирон ва қаровчисини йўқотган оилаларга ёрдам кўрсатиш режалаштирилган.

Зафар УМАРОВ.

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ФАРҒОНИЙ ТУҒИЛГАН ЖОЙДА

ФАРҒОНА. Аҳмад ал-Фарғоний тавалудининг 1200 йиллигига тайёргарлик авжида. Кува яқинидаги Шаҳристон ёдгорлиги Фарғоний туғилган шаҳар сифатида маълум. Ҳозир Шаҳристон тадқиқотлар мактабига айланган. «Кубо» археологик кичик корхонаси ташкил этилган. Ёдгорлик атрофи девор билан ўралмоқда. Аллома номи билан аталган жамғармага эса корхона, ташкилот ва жамоалардан ихтиёрий асосда маблағ тушмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ.

НОГИРОНЛАРГА ШАРОИТ ЯРАТИБ

БУХОРО. Пабло Неруда кўчасида «Фошун» ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ногиронлар жамияти шаҳар бўлимига қарашли бу корхонада 150 нафар ишга яроқли ногиронлар ўқув ва касбга жалб этилган. Улар тикиш-бичиш, соатсозлик, этикдўзлик ва заргарлик буюртмаларини бажаришяпти. Ромитан туманидаги «Алжамол» фирмаси бунёдкорлари томонидан ногиронларга яратилган бундай қулайликдан кўпчилик мамнун.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 10 март, сешанба • № 30 (22.267).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

К.РАҲИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Комилжон Раҳимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 9 март.

ВАТАН ХАРИТАСИ

Япония ҳукумати Ўзбекистоннинг айрим вилоятларидаги оналар ва болалар шифохоналарини зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга кўмаклашиш учун мамлакатимизга беғараз ёрдам сифатида 676 миллион япон иени (5,8 миллион АҚШ доллари) миқдорида грант ажратди. Мазкур маблағ Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги болалар касалхонаси, марказий туғуруқхона, «Она ва бола» марказларини замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, шу тариқа улар фаолиятини яхшилашга сарфланади.

* * *

Республика Молия вазирлигида 1997 йилда давлат ва маҳаллий бюджетлар ижросининг якунлари ҳамда мамлакатимиз раҳбарининг ўтган йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва ушбу йилдаги иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари юзасидан ўтказган Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда молия идоралари олдига қўйган вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда таъкидландики, давлат бюджетининг даромад қисми режадагига нисбатан 1,6 фоиз кўпайган, харажат қисми эса белгиланган даражадан ошмади. Бюджет тақчиллиги мўлжалдагидан паст бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,2 фоизни ташкил этди.

* * *

БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонасида қочоқлар билан ишлаш бўйича Олий комиссарлиги бошқармаси ходимларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда комиссарликнинг минтақавий мувофиқлаштирувчиси Ж. Маккалин қочоқлар ва уларнинг аҳволини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида атрофлича гапириб берди.

* * *

Намангандаги «Намбум» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида ёзув қоғозининг намуна туркуми ишлаб чиқарилди.

Халқаро андозаларга жавоб берадиган ёзув қоғозини тайёрлаш учун дастлаб анъанавий материаллар — целлюлоза ва чиқинди ишлатилади. Яқин орада эса чигит тукидан маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

* * *

Гулистонда очилган «Лечива» Ўзбекистон — Чехия қўшма корхонаси 14 турдаги танқис дори-дармон ишлаб чиқаришга киришди. Йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури 24 тага етади.

* * *

Бугун пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси бўйича махсус халқаро кўргазма ўз ишини бошлайди. Кўргазмада Франция, Германия, Италия, Қозоғистон, Литва, Польша, Россия, Швейцария, Туркия ва Ўзбекистоннинг таниқли компания ва фирмалари қатнашмоқда.

Ушбу кўргазма 13 марттача давом этади.

(ЎзА ва ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди).

САМАРҚАНД БАҲОР ОҒУШИДА

Наврўз нафаси

Ҳадемай дарахтлар куртаклай бошлайди. Бутун жонзот ғимирлаб, жонланиш бошланади. Демак, ўлкамизга Наврўз ташриф буюради.

— Наврўз умумхалқ байрамини кўнгилдагидек нишонлаш учун вилоят ҳокимлиги жуда кўплаб тадбирлар, амалга оширилиши лозим бўлган юмушлар белгиланган катта дастур ишлаб чиққан. Бу ҳақда қарор ҳам қабул қилинди. Унга кўра байрам маҳалла, корхона,ташкилот, муассаса ҳамда барча ўқув юртларида шодиёналарга бой, унутилмас тарзда нишонланади, — дейди Самарқанд вилояти ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Алишер Мардиев. — Байрамга бағишлаб шаҳар, туман ҳудудлари бадиий безатилади. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказилади.



14 март куни — Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан ҳашар —шанбалик ўтказилади. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади. Маҳаллалардаги кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилаларга «Нуроний», «Наврўз», «Қизил ярим ой жамияти», «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармалари ҳамкорлигида байрамга бағишлаб Наврўз дастурхони безатилади ва хайрия-эҳсон тадбирларини ўтказади.

Шаҳар ва туманлар ўйингоҳларида турли мусобақалар, спорт ўйинлари ва кўргазмали чиқишлар, миллий марказларда эса концертлар уюштирилади.

21 март куни файтунларда карнай-сурнайчилар, жарчилар шаҳар аҳли ва азиз меҳмонларни Самарқанднинг юраги — Регистон майдонига чорлайди. Бу қутлуғ қадамжода Наврўз тантаналари шодиёнаси бўлиб ўтади.

Барча маҳалла ва кўчаларда савдо ярмаркалари ташкил этилиб, ошхона ва қаҳвахоналарда байрам қатнашчиларига самарқандча илтифот ва юксак маданият асосида байрам хизмати кўрсатилади. Қир-адирлар, тоғ ёнбағирларида ва шаҳар, туманлар истироҳат боғларида халқ сайллари бўлиб ўтади.

Кўнгилларга сурур, завқ-шавқ бағишлайдиган дақиқалар, онлар жуда яқин қолди. Сизу биз Наврўзни, яшариш ва гўзаллик фасли баҳорни жуда-жуда соғиндик. Ўлкамизга, марҳабо Наврўз!

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Хитойда давлат корхоналарини ислоҳ қилишни интенсивлаштириш жараёни амалга оширилмоқда. Бироқ, бунинг оқибати оддий меҳнаткашларга зарар келтирянпти.

Чунончи, бу йил корхоналарни интенсивлаштириш натижасида 3,5 миллиондан зиёд ишчи бўшатилиши мумкин.

* * *

Финляндияда юз берган темир йўл ҳалокати натижасида кам деганда 10 киши ҳалок бўлди ва ўнлаб одамлар жароҳатланишди. Маҳаллий полициянинг хабарларига кўра, ўтган жума куни Ювескюле шаҳридаги вокзалдан ўтаётган йўловчи поезди ўз изидан чиқиб кетган. Бунда иккита вагон умуман тўнтарилиб кетган. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра поезд ўта тез ҳаракат қилганлиги учун бахтсиз ҳодиса юз берган.

* * *

АҚШ денгиз қирғоқларини муҳофаза қилиш хизмати кокаин ортилган кемани қўлга туширишга муваффақ бўлишди. Улар Флорида қирғоқларидан узоқ бўлмаган жойда кемани назорат қилиш учун тўхтатишди. Теркс ва Кайкос ороллaридан Флоридага йўл олган кема текширилганда чегарачилар ҳайратдан ёқа ушлаб қолишди. Кема трюмларида 4 тоннадан зиёд кокаин бор эди. Теркс ва Кайкос 40 дан зиёд кичик оролчалардан иборат баландлик бўлиб, Майамининг жанубидан 600 миль узоқликда жойлашган. Худди шу ердан наркотик моддалар АҚШга етказилиб, яшин тезлигида тарқатилмоқда.

* * *

Колумбия ҳукмрон доиралари Буюк Британиянинг «Бритш Эйруэйз» авиакомпанияси самолётларининг Богота — Лондон йўналиши бўйлаб қатновини назоратга олишни кўзда тутишган. Бунинг сабаби шуки, кўплаб колумбиялик фуқаролар Европанинг ушбу узоқ мамлакатида сиёсий бошпана топишга кўпроқ уринаётганлардир. Фақат кейинги уч қатновнинг ўзида Колумбия ўзининг 30 дан зиёд фуқароларидан ажралди. Чунки улар ўз мамлакатларига қайтишни истамаяпти.

ДИПЛОМ ВА ОЛТИН СОВРИН БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Яқинда Олмалиқ конметаллургия комбинатига Лондондаги қимматли металлар биржасидан хушхабар келди. Унда корхона ўтган йилдаги тижорат фаолияти якунлари бўйича «Тижоратдаги обрўси учун» дипломи ва олтин соврин билан мукофотланганлиги хабар қилинган эди.

Бу кейинги икки йил мобайнида кончилар ва металлурглар жамоаси сазовор бўлган учинчи халқаро мукофот. Англия пойтахтидаги мазкур нуфузли биржа ўтган йил бошида комбинат жамоасига кумушни «Энг яхши етказиб берувчи», 22 октябрда эса олтин қуймаларини «Энг яхши етказиб берувчи»муқобили тўғрисидаги шаҳодатномаларни берган эди.

Эндиликда, олмалиқлик металлурглар соф мисни Лондон биржасида рўйхатдан ўтказишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 10 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	55,54
1 Австрия шиллинги	6,48
1 Англия фунт стерлинги	136,53
10 Бельгия франки	22,11
1 Голландия гульдени	40,40
10 Греция драхмаси	2,88
1 Дания кронаси	11,95
1 БАА дирхами	22,70
1 АҚШ доллари	83,39
1 Миср фунти	24,45
1 Ирландия фунти	112,99
1 Исландия кронаси	1,14
10 Испания песети	5,37
100 Италия лираси	4,63
1 Канада доллари	58,80
1 Хитой юани	10,07
1 Қувайт динори	272,87
100 Ливан фунти	5,46
1 Малайзия рингити	20,67
1 Германия маркаси	45,53
1 Норвегия кронаси	10,96
1 Польша злотийси	23,84
10 Португалия эскудоси	4,46
1 Сингапур доллари	50,48
1000 Туркия лираси	0,36
1 Финляндия маркаси	15,02
1 Франция франки	13,58
1 Швеция кронаси	10,39
1 Швейцария франки	56,00
1 ЭКЮ	90,03
10 Жанубий Корея вони	0,51
10 Япония иенаси	6,51
1 Россия рубли	13,72
1 Украина гривнаси	41,12
1000 Беларусь рубли	2,52
1 Латвия лати	141,10
1 Литва лити	20,85
1 Молдова лейи	17,69
1 Қирғизистон соми	4,73

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

ШАРТНОМА САБОҚЛАРИ

У кимларнинг кўзини очмоқда?

Гулистон шаҳридаги «Хизмат» ҳиссадорлик жамиятида ўзлари учун зарур бўлган жиҳозлар ҳамда турли ускуналар мавжудлигидан хабар топган «Гулистонқурилиш» трести (бошқарувчиси Турабек Мавлонбердиев) вакиллари тезлик билан у ерга ошиқадилар. Мақсад — ана шу кўзланган нарсаларга тезроқ эгалик қилиб олиш эди.

«Хизмат» ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари қурувчиларнинг хоҳишларига қаршилик билдиришмади. Мақсад сотиш бўлганидан сўнг, улар учун бу жиҳоз ҳамда ускуналарни ким олиши бари бир эмасми? Фақат ҳақларини вақтида тўласалар бас. Чунки акциядорлар ҳақлари билан ўйнашиб бўлмайди. Масаланинг ана шу томонларини трест вакилларига яхшилаб тушунтирадилар.

— Афсуски, ҳозирча пулимиз йўқ, — дейишди «Гулистонқурилиш» бошлиқлари, — лекин узоғи билан бир ой ичида сизлар билан тўла ҳисоб-китоб қиламиз. Бундан кўнглингиз тўқ бўлсин.

Хуллас, ана шу аснода ўзаро шартнома пайдо бўлди. Ҳужжатлар ҳар икки томоннинг нуфузли вакиллари томонидан муҳрланганидан сўнг, қурувчилар ҳалиги нарсаларни тезлик билан ўз ташкилотларига олиб кетдилар. Орада шундан сўнг келишилган вақт ҳам ўтди. Андиша юзасидан «Хизмат»дагилар яна бир-икки ой кутишди. Чунки ҳозирги пайтларнинг иқтисодий қийинчиликлари ҳаммага маълум. Балки чиндан ҳам имконлари йўқдир ва бугун-эрта ваъдаларини бажариб қолсалар ажаб эмас. Чунки, ўртада — шартнома бор. Бу ҳужжатга ишонч туйғуси ўртага ёлгон аралашмаслигига кафолат бераётгандай эди.

Лекин «Гулистонқурилиш»дан ҳамон дарак йўқ эди. Улар гўё ўз ваъдаларини унутиб юборишгандай. Дастлаб «Хизмат» вакиллари трестга одоб доирасида қўнғироқлар қилишди. Яхшилик билан муомала қилишиб, муддатнинг ўтиб кетаётгани, бу эса яхши оқибатларга олиб бормаслигини эслатиб қўйишди. Бунга жавобан эса: «Хабаримиз бор. Ҳисобимизга пул тушди дегандан қарзларимизни узамиз. Бизларни маъзур тутгайсизлар», деган ваъдалар бўлди.

Бироқ ойлар кетидан ойлар ўтса ҳамки, негадир ана шу ваъдалар ижросидан дарак йўқ эди. Ниҳоят «Хизмат» ҳиссадорлик жамияти вакиллари ҳушёр тортдилар. Чунки нияти холис шериклар бундай қилмайди. Ваъда бердингми, шартномага қўл қўйдингми, марҳамат қилиб, уни бажар! Бу аҳдномалар остида қанчадан қанча инсонлар тақдири, уларнинг юмушларию — бугунги ва эртанги кўзланган мақсадларидан тортиб, кўзлаб қўйган режалар турибди. Шундай экан, нега бировнинг моддий бойлигини индамай олиб кетиб, ҳақини бермай юраверишлари керак?

«Хизмат»дагиларнинг, агар аҳвол шундай давом этадиган бўлса, масалани тегишли органлар ҳукмига ҳавола этамиз, деган огоҳлантиришлари ҳам қурувчиларга таъсир қилмади. Афтидан улар ишим битди—эшагим лойдан ўтди қабилида иш кўраётганга ўхшар эдилар.

Шунингдек, улар мақсадларига эришиб олганларидан сўнг ўз шерикларини менсимаётгандек эди. Чунки акс ҳолда бутун бир йирик шаҳар қурилиши билан шуғулланаётган, салкам минг кишилик жамоага эга бўлган, ой сайин улкан қурилиш ишларини амалга ошираётган жамоанинг мазкур шартномада кўрсатилган суммани вақтида тўлаши учун ожизлик қилаётганига ишониш қийин эди, албатта. Ўзаро сарсонгарчиликларнинг оқибати шу бўлдики, «Хизмат» ҳиссадорлик жамияти вакилларининг талабларига биноан бу ишни вилоят хўжалик судида кўришга тўғри келди.

Хўжалик судининг қарори эса қуйидагича бўлди: «Гулистонқурилиш» трести «Хизмат» ҳиссадорлик жамиятига шартномада кўрсатилган асосий қарзи бўлмиш 1 миллион 200 минг 225 сўмни ҳамда унга қўшимча равишда шартнома шартларининг бажарилишини ҳаддан ташқари чўзиб юборгани учун 1 миллион 104 минг 207 сўм миқдорида пеня пулини ҳам тўлаши лозим бўлади. Шунингдек бу ташкилот яна 86 минг 185 сўм миқдорида давлат божини ҳам тўлашга мажбур.

Биз ушбу даъво аризасида кўтарилаётган даъволарни тан оламиз, ҳозирги кунда ва шартнома тузилган пайтда ташкилотимиз ҳисобида маблағ йўқлиги туфайли бу қарзни тўлай олмаяпмиз, энди шу бир ой ичида қарзларни тўлашга ҳаракат қиламиз, — дейди хўжалик судида иштирок этган «Гулистонқурилиш» трестининг иқтисодий масалалар бўйича мутасадди вакили, яъни бошқарувчининг иқтисодий масалалар бўйича муовини Й. Раҳмонбердиев.

Хўш, мутасадди вакилнинг бу гапларига нисбатан нима дейиш мумкин? Биринчидан, бу деярли салкам бир йиллик давр мобайнида муттасил қайтариб келинаётган ваъдадир. Масалага жиддий қараладиган бўлса, ахир ўйлаб кўринг: ўзига, аниқроғи маблаги ва имкониятларига ишонмаган одам қандай қилиб иқтисодий масалаларда шерикчилик қилиши, у ёки бу ташкилот, жамоа билан шартномалар тузиши мумкин? Бозор иқтисоди шароитида пули, ёки маблаги йўқ кишилар ёки ташкилот билан ким алоқа боғлашга журъат этади?

Шундай экан «Гулистонқурилиш» трестидагилар ҳам ўз ҳамёнларига қараб иш юритсалар бўлмасмиди? Нега энди уларнинг хўжасизлиги, масъулиятсизлиги ёки бўлмаса бировлар мулкига бу қадар менсимай қарашларидан бошқа бир жамоа аъзолари азият чекишлари керак?

Шу ўринда ҳали ҳам баъзи раҳбар ҳамда бошқа масъул кадрларимизнинг шартнома масалаларига юзаки қарашга ўрганиб қолганлари, қанча тушунтирманг ёки ғалва қилманг, уларга аслида жиддий таъсир ўтказа олмаслиги ҳақида ўйланиб қоласан киши. Бу аслида илдизи эски замонларга, ҳеч ким ҳеч нарсага жавоб бермайдиган вақтлардаги иллатларга бориб тақалмайдими?

Ваҳоланки, дунёнинг бирор ривожланган мамлакатида бундай хўжасизлик ёки қўпол қилиб айтадиган бўлсак, субутсизликка дуч келиш қийин. Агар қонунчиликка асосланган демократик давлат қуриш йўлида курашаётган эканмиз, бизлар ҳам шу каби субтсизлик ва эгасизлик иллатлари илдизига болта уришимиз лозимдир. Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқида, шунингдек, бундан олдинги қишлоқ хўжалиги масалаларига бағишланган чиқишларида ўзаро шартнома масалаларига бу қадар катта эътибор бераётганлигининг боиси ҳам ана шундадир, албатта. Юртбошимизнинг бу борада олиб бораётган саъй-ҳаракатлари ҳозирнинг ўзидаёқ сезиларли самаралар бермоқда. Сўнгги пайтларда одамлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини борган сари чуқурроқ англаб етмоқдалар ҳамда олишни биладигану, лекин беришга ўрганмаган, тепса тебранмас ғирром шериклардан ўз ҳақларини ундириб олиш йўлида астойдил курашадиган бўлиб қолдилар. Хусусан, вилоят хўжалик судига шартномалар билан боғлиқ бўлган аризаларнинг кескин кўпайиб бораётгани ҳам шундан далолат бериб турибди. Аризачилар орасида фермерлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар, ҳиссадорлик жамияти аъзолари, турли хўжалик ва ташкилот вакилларини кўриш мумкин. Масаланинг бу томони кишини қувонтиради. Айни пайтда ҳали кўпгина раҳбарлар ҳамда иқтисодий масалалар билан боғлиқ бўлган масъул кадрларнинг шартнома шартларини тузиш тартиб-қоидалари билан яхши ва асосли таниш эмаслигидан афсусланасан киши.

Ана шу йўлдаги нуқсонларни бартараф этиш йўлида Сирдарё вилояти ҳокимлиги ибратли ишларни амалга ошираётгани эътиборга лойиқ. Ҳозирги кунларда вилоятдаги барча хўжаликларнинг раҳбарлари вилоят ҳокимлигида аттестациядан ўтказилмоқда. Вилоят ҳокими ҳар бир раҳбарнинг аттестациядан ўтиш шартларидан бири қилиб қўлида ўзи бошқараётган хўжаликнинг бошқа ташкилотлар билан тузган шартномасини олиб келиши ва экспертиза, яъни тасдиқдан ўтказишини шарт қилиб қўйди. Сўзсиз бу каби тадбирлар ўзининг яхши самараларини беради, деган умиддамиз.

Ҳайдар ТЕМИРОВ, Сирдарё вилоят хўжалик судининг раиси. Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ёзувчи ўйлари

ДИЛДАН ДИЛГА ЙЎЛ БОР

Ҳаяжонли дақиқалар, Муқаддас айём, мустақил Ўзбекистонимиз Конституцияси туғилган кун, бугун буюк салтанатлардаги каби тантанавор бир вазият, Мажлислар зали гуё нурга тўлиб кетгандек, Истиқлолимизнинг илк натижаларига якундек эл-юртга жон-дилдан хизмат қилган жонкуяр инсонларга давлатимиз мукофотлари топширишга бағишланган олий даражадаги маросим. Инсонни улуғлаш, иззат - икром этиш, қилган хизматларини қадрлаш, руҳиятини кўтариш, шарафлаш тантанаси эди бу. Оддий ишчи-деҳқондан тортиб, маърифат аҳиллари, атоқли санъаткорлар, адиблар ҳамма-ҳаммаси шунда. Кўзларда нур, юзларда табассум, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов ана шу олижаноб кишилар кўнглини кўтариб, уларга бирин-кетин давлат мукофотларини топширмоқда.

Мукофот олиш навбати ҳурматли ва эътиборли ёзувчимиз Саид Аҳмадга келганда мажлис аҳли бир чайқалди. Эл-юрт олдидаги «Буюк хизматлари учун» нишони ёзувчига топширилди. Адиб ҳаяжонда, дилидагини демоқчи. Биз Саид Аҳмад аканинг сўзларини кўп эшитганмиз, мажлис-йиғинларда, учрашувларда, тўй-тантаналарда, Ғафур Ғулом анъанасига содиқ бўлиб, ҳамма жойда халқона фикрлар айтиб, одамларни кулдириб, дилларни қувончларга тўлдириб, минбардан тушиб кетганлигининг гувоҳимиз.

Бу улкан масъулиятли тантанавор йиғинда «Уфқ»нинг муаллифи нима деркин, бу ердан қандай чиқиб кетаркин, деб қулоқларимиз динг, ҳаяжондамиз.

САДОҚАТ РАМЗИ

«Азиз биродарлар!

Давлатимиз бизга бу мукофотни балли, яшанглар, деб бергани йўқ. Орқамизга жиндек ўгирилиб қарасак, нима ишлар қилдик, нима ишлар қилолмадик, қандай яшадик, қандай бахтли кунларни кўрдик, қандай жабру-жафоларни бошимиздан кечирдик, ҳамма-ҳаммасини кўрамиз. Бу мукофот қилган ишларимиизнинг ҳосиласидир.

Фармон эълон қилинган кундан бошлаб ўзимни бошқача сеза бошладим. Кийинишимдан тортиб юришимгача, айтадиган гапимнинг маъноли ё маъносизлигигача ҳамма-ҳаммасини одамлар кузатаётганга ўхшайди. Мен халқимга қўлимдан келганча хизмат қилдим. Кўп мукофотлар олдим. Кўп тақдирландим, баланд унвонлар эгаси бўлдим. Халқ меҳрини қозондим. Буларнинг ҳаммаси қилган хизматларим туфайли бўлди. Ҳозир шу жойда ўтирганлар давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган ажойиб фидойи юртдошларимиздирлар. Улар шундай меҳрибон халқпарвар давлатимиз борлигидан, ҳамиша юрт ободлигини ўйлайдиган, фуқаролар ғамини ейдиган юртбошимиз борлигидан алоҳида бир ғурур, алоҳида бир кўтаринки кайфият билан ўтириптилар. Мен шу пайтгача ведомостга қўл қўймасдан бир тийин ҳам пул топмаганман. Ҳукумат идораси, бухгалтерияси берган пул билан яшадим. Мана, ўлганим йўқ. Уйим бор, боғим бор, машинам бор. Шундай яшаш мумкин экан-ку! Мен бошқа бир нарсани айтмоқчиман. Мамлакатимиз ташкил бўлганига энди олти йил бўлди. Шу қисқа вақт ичида мукофотга арзийдиган ишлар қилаолибмиз. Бу мукофотни мана бу гардонда кўтариб юриш қийин. Бу оғир, жуда оғир юк. Кўчада юрганимизда одамлар мени кўриб, ана «Буюк хизматлари учун» ордени олган ёзувчи келаяпти, дейишади. Мен учун энди аввалгидан кўра жиддий, аввалгидан кўра масъулиятли давр бошланяпти. Бу мукофотни пешона терим билан, меҳнатим билан, ахлоқим билан оқлашим керак. Мен шогирдларим ҳам ана шундай қутлуғ кунларда мукофотлар олишига ишонаман. Ёшлар ҳозир олдинги сафга ўтдилар. Биз уларга ғайирлик қилмаслигимиз керак. Уларни равон, текис йўлга опчиқиб қўйдикми, энди эстафета таёқчасини қўлига бериб, орқасидан оқ йўл тилаб туришимиз лозим. Вақти келиб улар ҳам худди шу бугунгидек сизнинг қўлингиздан мукофотлар олишига ишонаман. Тақдирланган дўстларим, ҳамма шогирдларимга сизнинг бугунги бахтли дақиқаларингизни раво кўришни истайман. Бизни шундай буюк мукофотлар билан тақдирлаганингиз учун сизга мингдан минг раҳматлар айтамиз, азиз Ислом Абдуғаниевич!

Инсон туғилганидан кейин маълум вақт ўтиб худо унга ҳусн ато қилар экан. Уша ҳусн тарқатадиган куни Турғунбой билан икковимиз тўйга кетган эдик, қолиб кетдик. Бу ҳуснсизлик дилимизда бир армон бўлиб қолди. Бир фариштa танишим бор эди. У билан Сочида дам олган эдик, бир куни унга телефон қилиб, Худодан бизга ҳусн сўраб бер, деб илтимос қилдим. Кўп қийинчиликлар билан уни кўндирдим. Эртасига телефон қилиб: «бўлмади», деб жавоб қилди. Аллоҳ таоло: қандай ношукр банда экан улар. Икковининг юрагига ҳусн жойлаганман, Турғунбойнинг қалбидек гўзал қалб жаҳонда йўқ. Оламдаги жами оҳанглар унинг юрагида. Ҳали ҳеч бир инсонда бунақа ноёб, бунақа гўзал қалб йўқ. Анаву бурни катта ёзувчининг ҳам юрагига шунақа гўзалликни жойлаганман, деб арши аълодан нидо кепти. Фариштa: юзимизга ҳам жиндек ҳусн бersин, деб сўрашяпти, деса, икковининг ҳам башараси эскиб кетибди. Ҳусн тутмайди, тўқлиб кетади, деган жавоб бўпти.

Фариштa: сира иложи йўқми, деган экан, яна шундай жавоб бўпти.

— Шу иккови юртига астойдил хизмат қилса, халқини рози қилса, юртбоши «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотласа ўшанда ўзидан ўзи юзида ҳусн пайдо бўлади, деган овоз кепти арши аълодан.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Аллоҳнинг иродаси билан, Сизнинг фармонингиз билан шу мукофотга сазовор бўлдик. Ўйлаб қарасам, шу муҳташам саройни тўлдириб ўтирган юртдошларимиз ичида Турғунбой билан икковимиздан гўзал инсон йўқ экан. Ҳозир у томонда бешта «Ўзбекистон қаҳрамони» ўтирипти. Бу томонда иккита «Ўзбекистон гўзали» ўтирипти. Мана шундай ҳурматлар учун шукроналар айтаман».

Бу ерда адибнинг ўша тантанали маросимда сўзлаган маърузасини муаллифнинг розилиги билан тўлалигича, ушбу мақолада келтирдик, ойнаи жаҳонда тўлалигича кўрсатилган, аммо матбуотда босилмаган. Бироз ҳазил аралашган бўлса-да, шу қисқа нуткда ёзувчининг ички дунёси, босиб ўтган ғоят машаққатли йўли, сўзга инжа усталиги акс этгандек, шу билан бирга, ҳуррият нурлари ҳаётимизга нақадар гўзаллик, эзгулик бахш этаётганлигини мамнуният ва ифтихор билан сўзлайди адиб.

Ёзувчининг дил сўзлари юртбошимизнинг эзгуликка мойил кўнглига хуш келди шекилли, Саид Аҳмад акани қўлтиқлаб туриб, созанда Турғун Алиматовга: «Қани сиз ҳам келинг, эсдалик учун бир суратга тушиб қўяйлик», деб қолдилар. Мажлис аҳлининг маъқуллаши билан учовлон: ёзувчи, Президент, созанда биргалашиб расмга тушишди. Бу ноёб дақиқалар кўпчиликнинг кўз ўнгида абадиятга муҳрланди.

Бундай қараганда оддий воқеадек кўринган бу дайнда йўлбошчимиз шахсига хос бағри кенглик, қадрпарварлик унинг соф инсоний, олижаноб фазилатлари билан уйғунлашиб кетганлигини кўпчилик ҳис этди. Бунақа вақтда беихтиёр истиқлолимизнинг маънавий асослари, яъни маънавий уйғонишимизнинг замин негизлари, унинг гўзал самаралари хусусида ўйлаб кетасан. «Қизил империя»нинг зуғумлари, азоб-уқубатлари, ҳақсизликлари шароитида ҳам адолат учун курашиб оламдан ўтиб кетган ватандошларимиз кўз ўнгимизда гавдаланади. Истиқлолимизнинг қадр-қиммати ғоят бебаҳолигига яна бир бор иқрор бўламиз. Бу ҳаёт сабоғи, сабоқ бўлганда ҳам тенги йўқ, ўша қонли кунларда тобланиб, яна нурли йўлга чиққан инсонлар учун умрбод эсда қоладиган сабоқ.

Эзгулик истаб, бутун ҳаёти давомида соғлом фикр, адабиётимизнинг ҳаётийлиги учун жон куйдирган адибимиз Саид Аҳмад, бундай ўйлаб қараганимизда, адабиётимизда ўзига хос мактаб яратган адиблардан бири. Уни республикамизда билмаган, иззат-икром этмайдиган одам йўқ. Қайга борса, унинг беҳисоб ихлосмандлари, жонтутар муҳиблари меҳр билан қучоқ очиб кутиб олишади. Қатор-қатор ҳикоялар, қиссалар, романлар, саҳна асарлари билан эл-юртга машҳур ва маълум. Собиқ иттифоқ даврида коммунистик ғоялар руҳиятимизни эзиб, бўғиб ётганда ҳам исёнкор ёзувчи ҳақиқатдан четга чиқмади. Тўғри сўзлиги учун Сталин замонасининг ҳақсизлик учига чиққан қамоқ лагерларида азоб чекди. Йигитлигининг қаймоғини ўша авахталар олди. Ёш оиласи, унинг бокира бекаси, шоирамиз Саидахоннинг чеккан азобларини ким билмайди дейсиз! Нозик табиат шоиранинг эндигина гулдек ниш уриб келаётган ижодини сўндирмоқчи бўлишди. «Эринг «халқ душмани», деб матбуотда шеърларига йўл берилмади. Турмуши оғир ахволда қолган Саидахон ўша оғир дамларда босмахонада оддий корректор бўлиб, рўзғор тебратди. Аммо шунда ҳам ўз турмуш ўртоғига содиқ қолди.

Гуллар юзида ханда, бу боғдан ёр ўтдиму,
Одатин қилмай канда, яна такрор ўтдиму...
Дилда такрорлаб отин, тилаб умри давлатин.
Соғси бўлиб тағин, Саида зор ўтдиму...

Бу ўтли, ҳаяжонли сатрлар вафодор аёлнинг садоқати, чексиз меҳр-муҳаббати тимсоли эмасми?!

Саид Аҳмад аканинг дўстлари, шогирдлари кўп. Уларнинг ҳар бирининг ўзи бир дунё: «Мен шогирдларимни ижод боғидан саралаб олганман, уларга баъзан ўзимнинг ҳам ҳавасим келади. Энди адабиётимиз ишончли қўлларда, деб ўйлайман. Биз кекса авлод кўрган кунлар ёшларнинг бошига тушмасин. «Социалистик реализм» деган темир ғоя адабиётимизни тушкунликка олиб келди. Ижобий қаҳрамонлар бўрттириб кўрсатилган коммунистик руҳдаги асарлар рағбатлантирилиб, миллий маънавият ва анъаналарга бой халқчил асарлар муаллифлари миллатчиликда айбланди. Ҳақиқат бор экан, ҳаётнинг ўзи катта мактаб экан, ҳақиқатни юзага чиқарди-қўйди. Ўша даврлардаги замон руҳи билан битилган миллий руҳдаги халқчил асарлар ўлмади, йўқ бўлмади, мана яна қайта туғилди. «Социалистик реализм» асарлари ўз-ўзидан эл назаридан қолди» дейди адиб суҳбат чоғида.

ҚАЛБ НАВОЛАРИ

Мустақиллигимиз туфайли ижоди ҳақиқий баҳо олган санъаткорлардан бири барчамиз учун қадрли ва севимли созанда Турғун Алиматовдир. Одамлар ўртасида: «Турғун ака танбур чертганда, булбул келиб торининг шохига қўнар эмиш» деган гаплар юради. Бу албатта санъаткорга бўлган юртдошларимиз меҳр-муҳаббатининг ифодаси. Бу ноёб талант соҳибининг ҳам ҳаёт йўли ғоят мураккаб ўтди. Отам номимни бекорга Турғун қўймаган экан, дейди собиқ иттифоқ даврларини эслаб санъаткор. Авжи кучга тўлган, соз чалганда юракларни тўлқинлантириб юборадиган йигитлик даврида унга унчалик эътибор беришмади, санъаткор маромига етказиб ижро этган кўп қадимий куйлар магнит тасмасига вақтида ёзиб олинмади. Турли баҳона, сабаблар билан икки марта радиодан бўшатиб юборишди. Тижорат ишлари билан шуғулланишга тўғри келди. Аммо, тижорат иши жиноят деб ҳисобланган ўша даврда танбурчини туҳмат билан қаматиб қўйишди. Яхшиям санъатнинг ихлосманд жонкуярлари, талантнинг қадрига етадиган истеъдодпарвар кишилар бор экан. Улар ёрдамида Турғун ака озодликка чиқди.

Буюк санъаткор устоз Юнус Ражабийнинг саъй ҳаракатлари, меҳрибонлиги туфайли Турғун Алиматов яна радиога қайтиб ишга олиб келинди. Шундан кейин севимли созанданинг ижодий камолот йўли очилиб кетди. Устоз Юнус аканинг бевосита ёрдами, меҳри-оқибати туфайли у ижро этган кўп қадимий куйлар ёзиб олина бошланди.

Турғун Алиматов ягона, бетакрор санъаткор. Унинг ҳам санъатда ўз йўли, ижро усули бор. Ички дунёси, Саид Аҳмад ака айтганидек, ғоят гўзал. У танбур чертганда диллар эзгуликка мойил бўлиб, ёзувчи ҳаёлларингиз тўзғиб кетади. Созанда бўлса ўз дарди билан, сизнинг чеҳрасида ўзгаришни ҳам сезмайсиз. Атрофида уни тинглаб ўтирганларга бепарводек. Лекин унинг сокин чеҳрасида буюк туғёнлар бордек туюлади сизга. Ўйлайсиз: бу инсоннинг ичи тўла дард бўлса керак деб. Ахир юраги эзгуликка мойил бўлмаса, шунчалик дилдан чалармиди. Сиз баъзан радио ёки телевиденеда бадиий асарлар постановкаси ёки адабий эшиттиришлар чоғида юракни ўртайдиган танбур, сато куйларини эшитиб қоласиз. Ўша наволарнинг ҳам кўпини Турғун Алиматов чалган бўлади.

Турғун Алиматов яқинда Парижда чиқадиган газета-журналларни кўтариб, газета редакциясига келиб қолди. Ўша журналларнинг бирида ўзбек созандасининг танбур чалиб турган сурати босилибди. «Жаҳон музикаси» журналида машҳур мусиқашунос Феодор Левин мақоласига: «Турғун Алиматов Шарқ мусиқасининг шоҳи» деб сарлавҳа қўйибди. «Фигаро», «Нубель Обсерватор», «Либерассион» газеталари машҳур созанданинг маҳоратини осмонга кўтариб мақтайдилар. «У соз чалганда эзгу-туйғулар алангасида ёнасиз, ҳам қувонасиз», дейилади шарҳларнинг бирида.

Турғун Алиматов билан суҳбатлашиб қолсангиз, кўнгли осмонда, Оллоҳга минг шукрлар айтиб, истиқлолимиз шарофатидан хурсандлигини қувонч билан сўзлайди.

— Қадимий анъаналаримиз, мумтоз куй-қўшиқларимиз истиқлол туфайли яна ҳам ўз қадрини топди. Эзгулик ва гўзалликнинг миллати йўқ. Мен Америка, Франция ва Германиядек дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларида бўлдим. Классик мусиқамиз оҳангграболиги, жозибаси билан одамлар қалбига йўл топа олди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, Парижда танбур ва сатода мумтоз куйларимизни ижро этганимда тингловчилар оёққа туриб, мени олқишларга кўмиб ташлашди. Шунда мени ажиб ҳис, ифтихор, фахрланиш туйғуси қуршаб олди. Мен бир оддий мусиқачи бўлсам, қарангки, энди дунёнинг энг илғор, олд мамлакатларига келиб, уларга концерт берямман, уларнинг олқишларига сазовор бўлмоқдаман. Илгарилари чет элга бориш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган. Фақат истиқлол туфайлигина шундай эркинликка, озод Ватаннинг фуқароси бўлишдек бахтга эришдик. Яна шуни демоқчиманки, менинг моҳир созанда бўлиб камол топишимда оилам бекаси, нозик табиат қўшиқчи Хосиятхоннинг хизматлари чексиз.

Айниқса ўша бизларга унвон ва нишонлар топшириш маросимида ҳурматли Президентимиз кўпчилик ўртасида севимли ёзувчимиз Саид Аҳмад билан мени ўртага олиб суратга тушдилар. Ажабо дейман, инсон шунчалик ҳам олижаноб бўладими? Бу менинг хотирамдан ҳеч қачон чиқмайди. Фарзандларим, невараларимга ҳеч ёддан чиқмас эсдалик бу! Бу ҳурмат ўзбек санъатига бўлган меҳр-муҳаббат белгисидир. Шу сабаб ҳар намоз олдида оилам билан, фарзандларим билан Ислом акани дуо айлайман. Илоҳо бахтимизга узоқ йиллар сиҳат-саломат бўлсинлар дея.

Илгари қадимий классик мусиқаларимизга беписанд қараларди. Миллий музикага тиш-тирноқлари билан қарши бўлган композиторлар, амалдорлар ҳам пайдо бўлиб қолган, кўпроқ радиода, концертларда европача музикалар ижро этилгани ёдимда. Аммо халқ ўз миллий мусиқаларини эшитишни истарди. Ўшанда радиода миллий қўшиқлар эшитишни истаб ёзилган хатлар кўпайиб кетган. Ўткинчи қўшиқлар ўз-ўзидан қолиб кетди. Аммо, қадимий мусиқа, халқ қўшиқлари ҳеч қачон ўлмайди, авлоддан авлодга, дилдан дилга ўтиб келаверади. Биз мусиқашунослар, созандалар уларни авайлаб, ардоқлаб сақлашимиз керак.

Истиқлолимизнинг қадрига етайлик. Уни тушунмай эски замонларни қўмсаётган баъзи кишиларга демоқчиманки: «Эй, нодонлар, истиқлол бу Аллоҳнинг бизга қилган буюк иноятидир. Уни қадрланглар, эҳтиётлаб, авайлаб сақланглар.

ИСТИҚЛОЛИМИЗ ТАМАЛ ТОШИ

Ушбу мақолада истиқлолимиз туфайли ҳақиқий ижодкорлик, талант соҳиблари қадр-қиммат топаётганлиги ҳусусида сўз юритдик. Бу, албатта мустақил давлатимизнинг илм-маърифатга эътибори, ғамхўрлиги натижасидир. «Дилдан дилга йўл бор», демишлар бобокалонларимиз. Ўша йўл маърифат йўли, инсонийлик, олийжаноблик йўлидир.

Президентимиз маънавият масалаларига катта эътибор бериб, уни халқ фикри ўйининг доимий тарзига айланиши лозимлигини таъкидлаётганлиги, бу йўлда давлатимиз маблағни аямаётганлиги ҳам бежиз эмас. Чунки одамзод фақат моддий неъматлар билангина яшай олмайди. Унга аввало маънавий-руҳий бойлик зарур. Тафаккур ўзгарса, ҳаёт ҳам ўзгарадида! Шу сабабдан истиқлолимиз мевалари сифатида «Маънавият ва маърифат маркази», «Маънавият» нашриёти ташкил этилди. Буюк боболаримиз Амир Темур, Бобур, Нақшбанд юбилейлари ўтказилди ва бутун йиллар Аҳмад Яссавий, Улуғбек сингари улуғ алломаларимиз номлари билан аталди. Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носирларнинг муборак меросларини халққа қайтарилди. Имом ал-Бухорий, Ал-Фарғоний, Беҳзод каби зотларнинг саналари, донгдор «Алпомиш» эпосининг, Хоразмда «Маъмун академияси», Тошкентда бадиий академия очилди. «Тафаккур» ҳамда «Жаҳон адабиёти» журналлари ташкил этилди ва ҳ. к.

Тарихан ғоят қисқа даврда маънавий ҳаётимизда рўй берган бу каби янгиликлар, Бухоро ҳамда Хиванинг 2500 йиллик тўйлари, пойтахтимиз ва вилоятларда қад ростлаётган маҳобатли маънавият қасрлари, маданий жабҳадаги «Ўзбекистон — Ватаним маним» танлови, Самарқандда ўтган «Шарқ тароналари» кўриги, Марказий Осиё халқлари ассамблеясининг тузилганлиги, Ўзбекистоннинг қадимий мамлакатлардаги, хорижий элларнинг Ўзбекистондаги маданият кунлари сингари тадбирлар, қанчалик бой ва гўзал, миллий қадриятларимиз асл, туб моҳияти билан умуминсоний эканлигини оламга намойиш қилмоқда. Зотан, вақт фалсафасида кеча ва бугун муштараклиги, эрта — келажак кафолати деган ҳақиқат бор. Истиқлолимизнинг тамал тоши мустаҳкам қилиб қўйилди. Бу иқтисодиёт ва маънавият бирлиги тоши. Иқтисодий ислоҳотлар ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда. Саодатли, фароғатли кунлар яқин. Ҳозирги қийинчиликлар ортда қолиб, тўкин-сочин, файзли-барокатли кунлар келади. Демак, келажаги буюк давлат, унинг маънавий асоси ҳам кеча ва бугуннинг айнан уйғунлиги пойдеворидан «униб» чиқади.

ОНА ҚУВОНЧИ. Владимир ПАНОВ олган сурат.

Менда таклиф бор

ХОМ АШЁ БОР, АММО...

Аввалари қишлоқ ва шаҳарларда чорва молларини якка тартибда сақлаш ва уни асраш бош сони минимал даражада чегараланган эди. Фақат республикамиз мустақил бўлгандан кейингина фуқаролар истаганча қўй, эчки, қорамол асрай бошлади. Улар ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида ўзларида ортиқча бўлган гўшт, сут, қатиқ ва тухум маҳсулотларини бозорларга чиқариб сотишяпти. Бу жуда яхши, албатта.

Аммо шаҳар ва туманларда қабул қилиш шаҳобчаларининг йўқлиги сабабли аҳолининг қўлларида жун ва қўй, эчки, қуён, мол терилари анчадан бери йиғилиб тўпланиб қолди. Кўп туриб қолганлиги сабабли шу ноёб хом ашёларнинг сифати бузилиш ҳоллари рўй бермоқда. Масалан, жун, қўй, қуён терисига куя тушиш натижасида улар қисман бўлса ҳам ахлатларга, коллектор ва зовурларга ташлаб юборилмоқда. Аҳолининг қўлида тўпланиб қолаётган ўша юқорида зикр этилган хом ашёларни кўрганимдан кейин менда таклиф пайдо бўлди. Чунончи: шаҳар ва қишлоқ жойларда тадбиркор хусусий ва қўшма корхоналар ва кичик корхоналарда жунни, терини қайта ишлайдиган, ундан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган цехлар очилса ва улар янги замонавий технология, ускуналар билан таъминланса, ишлаб чиқариш ва молиявий режаларга киритилса.

Шаҳар ва қишлоқ жойларида, бозорларда аҳолидан жун, тери қабул қилиш шаҳобчалари ташкил этилса.

Қўй, эчки, мол, қуён терилари ҳамда жун бозор иқтисодиётидан келиб чиққан ҳолда келишилган эркин нархда сотилиши ва сотиб олиниши тез йўлга қўйилса, бу корхоналар учун ҳам, аҳоли учун ҳам жуда фойдали бўлган бўларди.

Амин ЭШМАТОВ,
Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, меҳнат фахрийси.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ДАРСЛИКЛАРИМИЗ МУКАММАЛ БЎЛСИН»

Газетанинг 1998 йил 21 февраль сонида чоп этилган «Дарсликларимиз мукаммал бўлсин» сарлавҳали мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз:

Республика Таълим маркази умумтаълим мактаблари учун дастур, дарслик, ўқув қўлланма ва методик адабиётлар яратиш борасида режа асосида ишлар олиб бормоқда.

Мақола ўрганиб чиқилгач, қуйидаги ишлар амалга оширилди:

мавжуд дарслик ва ўқув қўлланмаларни ҳар томонлама ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқиш учун экспертиза гуруҳлари тузилди;

экспертиза қилинган дарслик ва ўқув қўлланмалар ҳақидаги хулосалар асосида муаллифлар билан ишланмоқда;

илмий-методик кенгашларда ушбу дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг қайта ишланган, тўлдирилган вариантларини муҳокамага қўйиш режалаштирилди.

Газета мақоласида тилга олинган «Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси» дарслиги муаллифлар З.Акромов, П.Мусаевлар томонидан тайёрланган бўлиб, у 1993 йилда чоп этилган нусхасининг қайта нашридир. Унинг қайта ишланган вариантлари республика Таълим маркази қошидаги география фани бўйича илмий-методик кенгашда муҳокама этиш учун топширилмаган. Республика Таълим маркази қўлланмани нашрга тайёрламаган ва қўлланмага ҳали дарслик мақоми берилмаган.

Аммо, 1997 йил 18 декабрь ва 1998 йил 12 февралда бўлиб ўтган география фани бўйича илмий-методик кенгашларда «Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси» ўқув қўлланмаси замон талаблари даражасида тайёрланиши лозим экани ҳақида муаллифлар огоҳлантирилган. Ҳозирги кунда ушбу қўлланма ҳар томонлама тубдан қайта ишланмоқда ва 1998 йилда қўлёзмани кенгашда муҳокама этиш учун тақдим этилиши кўзда тутилган.

Биз ўз фаолиятимиз давомида умумтаълим мактаблари учун яратилаётган дарслик ва ўқув қўлланмаларимиздаги шунга ўхшаш нуқсонлар ва камчиликларни бартараф этишда муаллифлар ва тажрибали методист, ўқитувчилар бир қатор ишларни олиб бормоқдамиз. Газетага хат йўллаб, фарзандларимиз келажаги учун қайғуриб, ўз фикрларини баён этган мақола муаллифига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли республика Таълим маркази директори Ғ. ШОУМАРОВ.

Хатлар, хатлар, хатлар

АРҒАМЧИГА ҚИЛ ҚУВВАТ

Юнусобод туманининг «Дўстлик» маҳалласи ободлиги ҳамда аҳли ва саховатпеша одамлари билан ажралиб туради.

Яқинда маҳалланинг тадбиркор новвойи Тўлқин Алимов ўз даромади ҳисобидан маҳаллада истиқомат қилаётган ёлғиз қарияларга, бева-бечоралар ва кам таъминланган оилаларга икки минг сўмдан пул берди. Шунингдек, новвой иссиқ нонлардан чиқариб турибди. Бундан бахраманд бўлганлар саховатли инсон Т.Алимовга миннатдорчилик билдириб, дуога қўл очмоқдалар.

«Арғамчига қил қувват», деб шунга айтсалар керак-да!

Азамат СУЮНОВ.

БИЗ ОХУНБО-БОЕВЛИКЛАР...

... кўпроқ кулгига, ҳазил-мутойибага мойил одамларимиз. Лекин мана уч ойдан бери, одамлар бундай кайфиятда эмас.

Нега дерсиз?

Хўжалигимизда аҳолини электр энергияси билан таъминлаш ёмон аҳволга тушиб қолди. Ҳар куни эрталаб 6.00 дан 7.00 гача, кечқурун эса 18.00 дан 20.00 гача хонадонларда электр токи бўлади, холос. Қолган вақтлар эса ўчириб қўйилади.

Сабабини сўрасак, туманда бунга жавоб берадиган одам йўқ. Қўшни хўжаликларда доим электр токи бўлади.

Маҳаллий раҳбарлар эса бундай аҳволни юқоридан берилган кўрсатма бўйича электр энергиясини тежаш деб изоҳлашмоқда. Нега энди электр энергиясини тежаш фақат биз — охунбобоевликлар ҳисобидан бўлиши керак. Бунга улардан аниқроқ жавоб ололмайсиз.

Шунинг учун ҳам охунбобоевликлар илгариги кайфиятда эмас. Кўп қатори биз ҳам электр токидан тўлиқ баҳраманд бўлармиканмиз?

Бор гап шу.

Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги аъзолари номидан:
М. ҚОРАТОЕВ.
Қ. ИСМОИЛОВ.

НОН БОЗОРИ ҚАЙДАДИР?

Қўнғироқ

Тошкентдаги Эски Жувага бориб, юқоридаги саволни берсангиз, нон бозорини кўрсатиб юборишарди. У ерга етиб бормасингизданоқ хушбўй нон ҳиди димоққа уриларди. Қатор расталарда оппоқ халат кийган новвойлар турфа хил нонларни сотишарди. Ширмойлар-у қўй ёғи қўшилган патирлар, седанали кулчалар-у гўштли нонларни айтмайсизми? Расталарга терилган, саватларга жойланган нонлар озода мато билан ўраб қўйиларди. Нонлар иссиққина ва озода турарди.

Бозордаги нон дўконлари кишини ўзига жалб қиларди. Бу ерда бир эмас, 2 та дўкон бўлиб, уларда оби, гижда, чуврак нонлар сотиларди. Хилма-хил булочкалар, тешиккулчалар, эҳ-ҳе! Харидор ўзи истаган нонларнинг барча турини топа оларди. Новвойлар ўртасида ҳақиқий рақобат бор эди. Кимнинг маҳсулоти яхши бўлса, ўшанинг бозори чаққон бўларди.

Бозор қайта қурилиб кенгайтириладиган бўлди-ю, нон бозори йўқ бўлди. Новвойлар тарқадай сочилиб кетишди. Улар истаган жойда нон сотишяпти. Метро тарафдан бозорга кираверишдаги аҳвол жуда ачинарли. Новвойлар йўл устида савдо қилишади. Пала-партиш қўйилган расталар туфайли йўл торайиб қолган. Саватлардаги, яшикчалардаги нонларга бировнинг чопони, бировнинг қопи тегиб кетади. Ифлос сумкалар билан туртиб ўтишади. Ана жанжал, ана тўполон. Нон сотувчи ҳам, харидор ҳам дилгир.

Энди юқори бозорга ўтайлик. У ерда ҳам аҳвол ночор. Новвойлар йўл устида савдо қилишади. Картошка, пиёз, сабзи харид қилганлар, қопларини орқалаб ўтаётган деҳқонлар новвойлар олдида ҳижолатда бўлишяпти. Чунки чанг-ғубор энг азиз неъматга тегяпти-да. Ачинарлиси шуки, бу ерда новвойлар учун ҳеч қандай қулайлик йўқ. На раста бор, на нон қўядиган бирор анжом.

Бозордан ташқари катта йўл чеккасида ҳам нон сотилади. Машиналар қатнови авжида. Йўл эса носоз. Ёғин-сочинли кунларда ҳайдовчилар сув-балчиқ сачратиб ўтади. Чанг-тўзон нонга тегмайди дейсизми? Носвой бозордаги носфурушлар ёнимизда нон сотиляпти-ку деб ўйлашмайди ҳам. Улар носвойларини мақташ, чакиб туфлаш билан овора. Булардаги микроблар қаерга боради. Пулга нон олган харидор уйига, хонадонига микробни ҳам ола кетади.

Одатда новвойлар озода, шинаванда одамлар бўлади. Лекин ҳозир кўплар одам ёллаб нон сотти-ради. Бу сотувчилар турли юқумли касалликлардан фориғ эканликларига ким ҳам кафолот берарди?

Хуллас, гапни мухтасар қилиб, муддаога ўтсак. Нон сотиладиган жойлар санитария ҳолатига жавоб бермайди. Хўш, санитария-эпидемиология станциялари ходимлари қаёққа қарашяпти? Ёки кўрмасликка олишяптими?

Давлатимиз халқ соғлиги йўлида барча саъй-ҳаракатларни амалга ошираётган бир пайтда шаҳарнинг энг катта бозоридаги масъул кишилар бу ҳақда астойдил ўйлаб кўриб, бундай ноқулайликка барҳам беришар, деб ўйлаймиз.

Юнус ЗИЁДОВ.

ҚОЧОҚЛАР ВАТАНИГА ҚАЙТДИ

Қочоқлар иши бўйича БМТ олий комиссарлигининг Покистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан Пешовар шаҳрида истиқомат қилаётган 500 дан ортиқ афғонистонлик қочоқ ўз ватанига қайтарилди. Айни пайтда ваколатхона мутасаддилари яна 3,5 минг нафар қочоқни ўз ватанига қайтариш бўйича музокаралар ўтказмоқда.

Маълумки, қарийб 20 йилдан буён давом этиб келаётган уруш туфайли бир неча миллион Афғонистон фуқароси бошқа мамлакатларга чиқиб кетган. БМТнинг қочоқлар иши бўйича олий комиссарлиги эълон қилган маълумотларга қараганда, биргина Покистонда 1,2 миллион нафар афғонистонлик қочоқ расман рўйхатга олинган.

ПУЛЛАР УЧУН... БОМБА

Кейинги йилларда ЖАРда инкассаторларга ҳужум шунчалар оммавийлашиб кетдики, ҳар куни бир ўғрилик содир бўлмоқда. Тиш-тирноғи билан қуролланган ўғрилар куппа-кундузи ҳам босқинчилик қилишмоқда. Бугунги кунгача безорилар томонидан ўғриланган пуллар 100 миллион доллардан ошиб кетди, ўлдирилган инкассаторлар сони эса ўндан ортиқ.

Инкассаторлар йўналиши қанчалик махфий тутилмасин, ўғрилар барибир хабар топиб, уларни талаб кетишаётгани полицияни ҳам ўйлантириб қўйди. Бунга биринчи сабаб пул ташувчи автомобиллар яхши ҳимояланмагани бўлса, иккинчи сабаб, инкассаторларнинг етарли даражада моддий таъминланмаганидир. Шунинг учун ҳам улар йўналиши бўйича ички ахборотлар ўғрилар қулоғига етиб бормоқда, деб тахмин қилишмоқда мутахассислар.

Эндиликда ЖАР полицияси янгича — «Сенга ҳам эмас, менга ҳам» қабилидаги усулни қўллашга қарор қилди, яъни ўғрилар ҳужум қилиши билан инкассатор тугмачани босади. Қарабсизки, сейф ичига ўрнатилган махсус кимёвий бомба барча пул ва қимматбаҳо қоғозларни бир зумда йўқ қилади.

Инсон ҳуқуқлари

СОВУҚ УРУШ ВА УНДАН КЕЙИНГИ ДАВР

Энг бошиданоқ Совуқ уруш инсон ҳуқуқларини Америка халқаро сиёсатининг устувор рукнига кўтаришга умид боғлаганлар фаолиятини чегаралади. Совет Иттифоқи билан рақобатга тортилган Америка Қўшма Штатлари Шарқий ва Марказий Европа ҳамда ўзга жойларда коммунистик ҳаракатларга қарши туриш масъулиятини ўз зиммасига олди.

Ғарб озодлигининг энг сезиларли муҳофазаси 1948 йили июнь ойида Берлин шаҳрида содир бўлди. Ўшанда, уруш вайронгарчиликларидан тикланиш учун ҳамон курашаётган Берлин шаҳрини Совет оккупацион ҳарбий кучлари ишғол этди. Орадан 10 ой ўтгач Советлар эмбаргони бекор қилишидан олдин АҚШ ва Иттифоқчиларнинг қуролли кучлари шаҳар аҳли ҳаётини сақлаб қолиш учун Берлинга 277 000 рейд уюштирди.

Халқаро муносабатлар енгиллашиши билан АҚШ — Совет Иттифоқи орасидаги таранглик бўшаша бошлади. Бу даврнинг чўққиси Хельсинки битимларига тўғри келди. 1975 йили имзоланган бу битимлар озодлик ва инсон ҳуқуқлари учун курашга саҳна тайёрлаб, оқибатда орадан 14 йил ўтгач Берлин девори қулади.

1976 йилнинг ноябрида Жимми Картер Америка Қўшма Штатларининг президенти этиб сайланди. Орадан икки ой ўтгач инсон ҳуқуқларини кучли ҳимоя этиш рағбатига тўла Картер мансабни эгаллади. 1977 йили АҚШ Давлат департаменти ҳузурида инсон ҳуқуқлари бюроси барпо этилди. Унинг инсон ҳуқуқлари борасидаги илк ҳисоботлари ҳам айнан ўша йили содир этилди. Ўшандан бери бундай ҳисоботлар ҳар йили чиқарилади; эндиликда улар ҳар бир мамлакат аҳволини қамраб олиб, 1995 йили илк бор Америка Қўшма Штатларининг ўзини ҳам доирага киритди.

Баъзилар назарида инсон ҳуқуқлари ва умумийлик Картернинг қарашларида ўта идеалистик эди. Аммо идеологик тафовутларга ҳам қарамай, инсон ҳуқуқларини миллий сиёсатнинг асосий тамойилига айлантирди.

(«Инсон ҳуқуқлари. Кириш» китобидан).

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

«ОЁҚ» БИЛАН ДАВОЛАЙДИ

Дунёда мўъжизавий сеҳргарликлари билан танилган метафизик, доктор Энди Райс ақл бовар қилмас даражадаги «ҳакимлик» қобилиятига ҳам эга. Жанубий калифорниялик афсунгарга бугунги кунда миллионлаб одамлар ихлос билан қарайдилар. Шу пайтгача ҳам афсунгар дунё бўйлаб «самовий» даволаш сеанслари олиб борган эди. «Дунё янгиликлари» журнали орқали доктор Райс 1996 йилнинг 26 майида яна ғаройиб — даволаш сеансини ўтказди.

Шу куни Гринвич шкаласи бўйича роппа-роса 12 да даволашни бошлади. Балки ҳайратланишингиз мумкин, Кашпировский гапириб авраб, Чумак тамшаниб, ўткир нигоҳлари билан даволарди, доктор Энди Райс-чи? Афсунгарнинг даволаш усули уларникидан ҳам анча осон . Яъни «Дунё янгиликлари» журналида докторнинг оёқ панжаларининг сурати босилганди. Журнални харид қилган киши бемалол ўша суратпанжага панжаларини босса, бас. Уч дақиқа оёқларингизни докторнинг «оёқ»ларига босиб турасиз — шу дақиқаларда вужудингиздаги хасталикни «тортиб» олаверади.

Бу «даволаш» қанчалар рост, қанчаси ёлғон буни фақат ўзида «тажриба» ўтказганлар билади. Мана, улардан бир нечтаси. Касаллар ҳам турлича: юрак ҳуружи, шамоллаш, бот, умуртқадаги ўзгаришлар, ҳатто бедаво ракка мубтало бўлганлар ҳам дарддан фориғ бўлишганмиш.

Окламада яшовчи Родни Уортен «Эсимни танибманки, юрак ҳуружига йўлиққандим. Сеансдан сўнг, ишонгим келмайди, соппа-соғман», деб ёзади. Техас штатининг Остин шаҳридан Арлин Уэтли хоним бўлса: «Панжаларимни «панжа»сига босган заҳотим танимга қандайдир «куч» кирганини ҳис этдим. Анчадан буён мени қийнаган астма касалидан асар қолмади» деб мактуб йўллайди журналга.

Доктор Райс беморларга «Мен шифокорингизни ўрнини эгалламоқчи эмасман. Фақат мен сизга узоқдан «мадад» йўллаб тураман. Аввало яратганнинг ўзи берган дардига ўзи шифосиниям беради, мен бир сабабчи», дейди астойдил ихлос қўйган беморларга далда бера туриб.

«Оёқ» билан даволовчи афсунгарнинг «давосини» кутиб ётганлар кўп. Майлида, балки бу шунчаки ҳақиқатдан йироқ ҳодисадир. Нима бўлганда ҳам бемор банда нимагадир ишонч билан ихлос қилса, вужудидаги бор «ички имконияти» юзага чиқади, бу тиббиётга ҳам маълум. Умид билан яшаш, умрни узайтиришини алломалар кўп бор таъкидлаб кетишган.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

Ие, йўғе, наҳотки?!

ЭСКИ БОТИНКАДАН ЧИҚҚАН... БОЙЛИК

Литванинг Шауляй шаҳрида яшовчи Инга неча йилдирки ишсиз. Бироқ яшаш керак, бола-чақа, дегандек. Ахир вояга етмаганлардан икки нафари бор-а. Бу ҳам майли-я, ишга яроқсиз эр, тўридан ғўри яқин ўгай ота ҳам унинг қўлига қараб қолган. Шунинг учун у «ўзига хос иш» топган, яъни ахлатқутиларни титади. У ердан эски кийимми, ё бошқа рўзғорбоп буюмми топиб, уни «янгилайди» ва керак бўлса сотади. Ҳар гал яхши ният — ғойибдан бойлик келишини тилаб, мароқ билан титади ахлатқутиларни. Буни қарангки, яқинда у яхши ният ярим мол, деган ақидага аниқ ишонч ҳосил қилди. Негаки, бир жуфт йиртиқ ботинка топиб, уйига олиб келди ва йиртиқларини ямашга энди ўтирган ҳам эдики, бармоқлари ботинка ичида нимадир борлигини сезди. Олиб қараса... Инга кўзларига ишонмади, юмиб яна қаради, бир талай пул турибди. Санаб кўришса, нақд 200 минг лит-а! (Ҳозир расмий курс бўйича 4 лит 1 АҚШ долларига тенг).

Инга маза қилгандир, деб ўйлаяпсизми? Ҳақиқатан ҳам маза қилди: йиғилиб қолган 5 йиллик квартира ҳақини тўлади, уйига керакли важлар олди, рўзғорини бутлади, қолаверса ахлатхонадаги ишини ҳам ташлади.

Бироқ... маш-маша энди бошланди. Негаки, Ингага бахт кулиб боққани ҳақидаги гап-сўзлар ён-атрофга тезда ёйилганди. Бу гап пул йўқотганларнинг ҳам қулоғига етиб борди. Улар келиб, Инганинг уйида масалани «разбор» қилишди ва охир-оқибат Ингани шип-шийдон қилиб кетишди.

Энди Инга ғойибдан келган бахт насиб этмас экан, деб юрибди.

Икки томон сулҳ тузишди

Бангладеш ҳукумати билан Чакма қабиласи жангарилари ўртасида сулҳ битими имзоланди. Чакма қабиласи исёнчилари 25 йилдан буён Бангладешнинг Читтагон тоғли туманида мустақил давлат тузиш учун курашиб келар эди. 1997 йилнинг охирида эса Бангладеш ҳукумати исёнчиларга мурожаат этиб, қуролли курашдан воз кечилса, уларга умумий авф эълон қилинишини билдирган эди. Шу тариқа 25 йиллик қуролли можаро якун топди.

Мамлакатнинг жануби-шарқий қисмидаги Дудукчари қишлоғида исёнчиларнинг рамзий қурол топшириш маросими бўлиб ўтди. Маросимда иштирок этганлар 2 минг кишилик Чакма жангариларининг охирги қисмидир.

Озиқ-овқат заҳираси атиги 2 ҳафтага етади

Жанубий Корея ҳукумати Шимолий Корея аҳолисига 100 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришга қарор қилди. Бу Жанубий Кореянинг мазкур мамлакат аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳақидаги БМТ даъватига жавобидир.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда Шимолий Кореяда атиги икки ҳафтага етгулик озиқ-овқат заҳираси қолган. Бу муаммони бартараф этиш борасида БМТ ушбу мамлакатга жорий йилда 650 минг, АҚШ 200 минг, Европа Иттифоқи эса 150 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришга қарор қилган.

Дардмандлар учун алоҳида шаҳар

Таиланд ҳукумати дунёда биринчи бўлиб СПИДга мубтало бўлганларни алоҳида сақлаш учун махсус ҳудуд барпо этиш режасини эълон қилди. Мамлакат Вазирлар Кенгаши вакилининг таъкидлашича, мазкур режа бедаво дардга йўлиққанларнинг жамоатчиликдан айри яшаши, уларнинг жамият орасида ҳар хил камситилишларга учрашига ҳам чек қўяди.

Режага кўра, мамлакат пойтахтидан 150 километр узоқликда жойлашган Ломбур туманидан 340 гектар ер ажратилади. Махсус ҳудудда мактаб, касалхона, шунингдек, чорвачилик ферма ҳамда экин майдонлари барпо этилади.

Ҳозирги пайтда Таиландда расман 800 минг киши СПИДга чалингани қайд этилган. Кейинги 10 йил давомида СПИД касаллиги туфайли 7 минг киши ҳаётдан кўз юмди.

Канкундаги учрашув

Мексиканинг Канкун шаҳрида америкалик ишбилармон доиралар вакиллари билан Куба ҳукумат делегацияси ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашув қатнашчилари Кубадаги ҳозирги иқтисодий аҳвол, мамлакатда ишбилармонлар учун яратилган имкониятлар ҳақида фикр алмашди.

Куба иқтисодиёт ва режалаштириш вазири Хосе Луис Родригеснинг маълум қилишича, Куба давлати 36 йиллик иқтисодий қамал жараёнида қарийб 60 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган.

Руминия. Бухарест шаҳри кўриниши.

«Президент объектлари» текширилади

Ироқни қуролсизлантириш бўйича БМТ махсус комиссиясининг 50 нафар мутахассисидан иборат гуруҳи Ироқ пойтахтига келди. Улар бир неча кун давомида Ироқдаги «Президент объектлари»ни текширади.

Гуруҳга Скотт Риттер бошчилик қилмоқда. У жорий йилнинг январь ойида Ироқ ҳудудидан чиқариб юборилган эди.

УСТУНЛИК АЁЛЛАРДА

Америкалик аёллар эркакларга қараганда қандай устунликларга эга, деган саволга жавоб топилгандек бўлди. Аниқланишича, аёлларнинг устунлиги анча юқори экан. Масалан, маълумотларга кўра, ўтган йили АҚШда 137,2 миллион аёл яшагани ҳолда, эркаклар 131,6 миллионни ташкил этган. Уларнинг ўртача умр кўриши эркакларга қараганда 6 йилга кўп. Бундан ташқари болалик бева аёллар ҳам кўпчилик, яъни 9,9 миллион бўлиб, болалик якка эркаклар эса «атиги» 1,9 миллион кишини ташкил этади.

Яна бир-икки рақамни санаб ўтсак: америкалик аёлларнинг 58 фоизи эрли, 11 фоизи есир, яна 11 фоизи эри билан ажрашган, 20 фоизи эса ҳали турмуш қурмаган.

Жаҳон спорти шов-шувлари

НАГАНОНИНГ 360 СОАТЛИК САБОҒИ

1998 йил 7 февраль. Халқаро Олимпия Қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч дунёдаги жамики чемпионлар, машҳур ва номдор спортчилар номидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотига 7 февралдан 22 февралгача Японияда бўлиб ўтадиган XVIII қишки олимпиада ўйинлари давомида Ер юзининг барча нуқтасида тинчликни сақлаш ташаббуси билан мурожаат этди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти дунё спортчиларининг ушбу таклифини қабул қилди. Февраль мўътабар фасл сифатида тарихда қолди.

Мана фурсати келиб, заминни «ларзага солган» Нагано олимпиадаси ҳам ниҳоясига етди. Миллатидан, ирқидан, жинсидан қатъи назар, дунёнинг «манаман» деган спортчилари олимпиаданинг 205 медалини ўз имкониятларига яраша ўртада баҳам кўрдилар. Кўплаб чемпионни бирлаштирган Германия делегацияси Нагано олимпиадасининг голиби бўлди. Улар мусобақалар қизғин давом этган 15 кун мобайнида ўн иккита олтин, тўққизта кумуш ҳамда саккизта бронза медалларини қўлга киритиб, яна бир бор ҳайратимизни ошириши. Норвегия терма командаси эса ўнта олтин, ўнта кумуш ва беш дона бронза медалига мушарраф бўлди.

Олимпиада ўйинлари бошланиши билан барча рақибларини Россия спортчилари тўққизта олтин, олтита кумуш, учта бронза медалларга эгалик қилган ҳолда, XVIII қишки олимпиадани фахрли учинчи ўрин билан тугалладилар.

Нагано олимпиадаси ҳақида фикр юритар эканмиз, япон халқига ҳам бевосита қойил қолмоқдан ўзга чорамиз йўқ. Бу халқ, бу миллат олимпиада эгаси сифатида ўзларининг олийжаноб урф-одатлари, миллий маданияти, ғурури, сабр-тоқати ва шижоати, тадбиркорлиги билан дунёга кўп нарсани ўргатди. Озиқ-овқат, маданий хордиқ, хавфсизлик, саломатлик, спортчилар ўртасида тенгликни сақлаш, мусобақаларни энг замонавий техникалар билан бошқариш, кутиб олиш ва кузатиш масаласида улар ҳали ҳеч ким эплолмаган ташкилотчиликни амалга оширдилар.

Нагано олимпиадасининг дастлабки олтин медали россиялик машҳур спортчи Ольга Даниловага насиб этди. Ушбу ўлканинг яна бир номдор спортчиси Лариса Лозутина қисқа фурсатлар ичида ер юзининг энг улуғ, энг буюк қаҳрамонига айланди. Лариса Россия терма командасига бир йўла учта олтин, битта кумуш ва бронза медалларини келтириб, олимпиячиларнинг бетакрор сиймосига айланди. Голландиялик конькида югуриш мусобақасининг тенгсиз устаси Жанни Роммениг ютуғи эса ўзининг залвори билан шу кунгача ўтказилган жамики қишки олимпиадалар натижасини шак-шубҳасиз ортда қолдирди. Жанни Ромме марафончилар ўртасида белгиланган маррага 13 минут 15 секундда ва яна қўшимча юздан 33 дақиқада етиб келиб, жаҳон рекордини бутунлай янгилаган ҳолда олтин медаль билан тақдирланди. Шу билан бу «олдуз» Голландияда миллий қаҳрамонга айланди. Мусобақадан сўнг журналистларга қуйидагиларни таъкидлади: «Мен белгиланган 10 км. масофани бундан ҳам қисқа фурсатда босиб ўтишим мумкин эди. Бироқ майдонни ўн икки марта айланиб чиққанимдан сўнг оёқларимда қаттиқ оғриқ, толиқиш пайдо бўлди. Устига-устак бутун югуриш майдонимизнинг музи илгаригидек сифатли эмас экан. Шу туфайли бир йўла икки ўт исканжасида қолдим. Оёқларимдаги оғриққа бардош беришимга ҳамда сифатсиз йўлакда жуда катта эҳтиёткорлик билан югуришимга тўғри келди...»

Буни ўз номи билан спорт дейдилар. Бунда голиблик учун энг муҳим восита маҳорат ҳамда метин иродадир. Биз мухлисларни қувонтиргани шуки, Ромме мусобақа давомида маҳоратини ҳам, иродасини ҳам бекаму кўст ишга сола билди. Натижада, Голландия делегациясига беқиёс ҳурмат келтирди.

Нагано олимпиадасининг яна бир шов-шувли томони — норвегиялик таниқли чанғи устаси Бьорн Дэлининг оламшумул ютуғи билан боғлиқ. Бу чемпион ўзи қатнашган мусобақанинг уч турида бир йўла учта олтин медалга эга бўлиб, жамики олимпиадаларда эришган ютуқлари сонини саккизтага етказди. Демак, Бьорн Дэлининг қўкрагида қишки олимпиада ўйинларининг саккизта олтин медали ялтираб турибди. Бунақа натижа тарихда шу бугунга қадар қайд қилинмаган.

Собиқ СССРнинг оламга машҳур конькида югуриш устаси Лида Скобликова 1960 ҳамда 1964 йилги олимпиада ўйинларида олтита олтин медаль билан тақдирланган эди. Кейинчалик Любовь Егорова ҳамюртининг эришган натижасини такрорлади. Яъни 1992 ҳамда 1994 йилги олимпиадаларда у олтита олтин медаль олди. АҚШлик машҳур спортчи Эрик Хайден 1980 йилги бир олимпиаданинг ўзида 5 марта олтин медаль билан мукофотланган эди. Кўриб турганингиздек, Нагано олимпиадаси ҳам рекордлар оламида бошқаларидан қолишмайди. Бьорн Дэлининг ютуғи ўз ўтмишдошларининкидан устун бўлса устунки, кам эмас.

Олимпиада ўз номи билан тинчлик ўйинларининг энг муҳим босқичи ҳисобланади. Шундай бўлса-да, спортчилар ўртасида баъзи-баъзида турлича баҳс-мунозараларнинг бўлиб туриши табиий ҳодисадир. Чунки машҳурлик, улуғлик, номдорлик ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Бунинг устига сиз билан биз яшаб турган замонда ким кўп, кучлидан-кучли кўп. Бас, шундай экан, кўпчиликнинг орасидан «тегишли насибани» олиш учун ҳар бир шахс бор имкониятини ишга солиши шубҳасиз. Бироқ, чемпион бўламан деб, кўнгилга келган номақбул ишларни қилавериш ҳам ҳар доим яхшиликка олиб келавермайди.

...16 февралдан 18 февралга ўтар кечаси Олимпиада хоккей мусобақаларини ўтказиш директоратига Швеция терма командасида ўйнаётган Ульф Самуэльссон аслида Америка Қўшма Штатлари фуқароси эканлиги тўғрисида хабар келди. Ташкилотчилар ушбу масала юзасидан жиддий текширув олиб бордилар. Ҳақиқатда эса Ульф Самуэльссон олимпиадага Швециядан ташриф буюрган. Қўлида шу йилнинг ёзига қадар ҳақиқий саналадиган швед паспорти бўлган. Хабардан сўнг эртасига эрталаб мусобақа директорати ўз мажлисини ўтказди. Ёпиқ овоз бериш натижасида ушбу хоккейчини бундан буён мусобақадан четлатиш, Швеция терма командасининг айни пайтдаги ўрни ва очколарини сақлаб қолиш, бундан кейинги ўйинларда ҳам қатнашиш ҳуқуқини беришга келишиб олдилар. Бироқ орадан бир кун ўтиб директоратга иккита протест тушди. Биринчиси — Чехия миллий Олимпия қўмитаси ва хоккей федерацияси номидан берилган бўлиб, унда кўрсатилишича, Швеция терма командасининг барча очколари олиб ташланиши ва олимпиададан ҳайдалиши зарур эди. Иккинчи протест эса Швеция мамлакатидан жўнатилган. Унда асосан Самуэльссон ҳимоя қилинган эди. Хуллас, масала тобора жиддийлашиб Халқаро Олимпия Қўмитаси раҳбарларигача етиб борди. Баҳслар чўғида Ульф Самуэльссон сўз олиб ҳақиқатдан ҳам ўз хоҳишига кўра яқинда АҚШ фуқаролигини қабул қилганлигини, у ерда яшаш истаги борлигини ошкор этди. Шундан сўнг опелляция комиссияси ушбу хоккейчини Олимпиадада қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда Швеция терма командасининг эришган натижаларини ўз ўрнида сақлаб қолди.

Бундай мунозарали воқеалар Америка Қўшма Штатлари терма командаси томонидан ҳам қайд қилинганлиги кўпчилик ишқибозларни таажжубга солди. Улар 1/4 финалда Чехия терма командасидан мағлубиятга учрагач, ўзлари жойлашган меҳмонхонада тўполон қилишиб, олимпиада ташкилотчиларига минг АҚШ доллари ҳисобида моддий, канадалик спортчилардан бирига жиддий жисмоний зарар етказдилар...

Хоккей мусобақаларидаги қувончли воқеликдан бири бевосита Қозоғистон терма командасининг муваффақиятига тегишли. Олимпиадага қадар қозоғистонликларнинг халқаро хоккей мусобақаларида иштирок этмаганлигини кўпчилик спорт ишқибозлари яхши билишади. Шунга қарамасдан улар дунёнинг энг кучли командаларига қарши ҳаракат қилишди. Мағлубиятга учраган бўлсалар-да, Канада терма командаси билан бўлган учрашувда бу мамлакат хоккейчилари миллионлаб ишқибозларнинг ҳурматини қозонди.

Япон олимпиадасида бир неча мамлакатларнинг президентлари ҳам мухлис сифатида иштирок этдилар. Белоруссия Президенти Александр Лукашенко ташкилий қўмитанинг баъзи бир фаолиятидан норози эканлигини ҳам яшириб ўтирмади. Чанғичилар эстафетасининг бехосдан тўхталишини А. Лукашенко сўзсиз мафиянинг иши, агарда мусобақа охиригача давом эттирилганда Белоруссия спортчиси олтин медаль олиши муқаррар эди, деган фикрни билдирди.

Барча мусобақалар айни қизиган паллада Наганода бир қанча кутилмаган тасодифлар ҳам юз берди. Японияда қишнинг қаттиқ келганлиги натижасида олимпиада иштирокчиларининг кўпчилиги гриппга чалинди. Айниқса, Канада, Норвегия, Голландия, Россия, Германия, АҚШ делегацияларининг энг машҳур чемпионлари об-ҳаво ноқулайлигидан жиддий азият чекдилар. Айрим спортчилар мусобақаларда қатнашишдан маҳрум бўлдилар. Начора, бу ҳам табиатнинг бир кароматида...

XVIII қишки олимпиада ўйинлари биз ўзбекистонликлар учун ҳам эсда қоладиган даражада қувончли бўлди десак, янглишмаймиз. Спортчиларимиздан Лиллехаммер (1994) олимпиадаси чемпиони Лина Чирязова, Татьяна Малинина, Роман Скорняков, Комил Ўримбоевлар ўзларини нимага қодир эканлигини моҳирлик билан намойиш этдилар. Улар ичида Татьянанинг кўрсатган натижаси ташкилий қўмита томонидан юқори баҳоланди. У жаҳоннинг 24 спортчиси ўртасида саккизинчи ўринни эгаллади. Чанғи устаси Комил Ўримбоев эса олимпиадада биринчи бор қатнашаётганлигидан қатъи назар, келажакда ҳар қандай мусобақада совринли ўринлар учун бемалол баҳслашиши мумкинлигини исботлади.

Хуллас, бутун дунёни «ларзага солган» февралнинг энг тотли меваси — XVIII қишки олимпиада машъаласи ўчирилди. Машҳурлар сафига яна юзлаб номдорлар келиб қўшилди. Ольга Данилова, Лариса Лозутина, Бьорн Дэли, Жанни Ромме, Юлия Чеполова, Дебаро Компоньони, Херман Майер, Марианне Тиммер, Ким Дон Сун, Никки Стоун, Клаудия Пехштайн сингари спортчиларининг шуҳрати ҳамиша Наганога қўшилиб айтиладиган бўлди. Ушбу олимпиаданинг яна бир улкан ютуғи шундан иборатки, қарийб 15 кун давомида бутун куррамиз бўйлаб одамзоднинг азалий орзуси бўлмиш тинчлик қарор топди. Жами мусобақалар давомида қисқагина бўлса-да, сайёрамиз узра ўқлар овози ўчди. Оналарнинг фарёди тинди. Аслида олимпиада ўйинларидан кўзланган мақсад ҳам шу — Ер юзида доимий тинчликни, хотиржамликни таъминлашдир.

Нормурод МУСОМОВ, журналист.

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 10 mart, seshanba № 30 (22.267).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Хайр, қиш

ЎЗИМИЗНИНГ «МОРЖ» ОДАМЛАР



Морж деган жонивор бор. Олис қутбларга саёҳатга борганлар ўз йўлигаю уни телевизорда мириқиб томоша қилганлар бисёр. Узунлиги 3-4 метрча, оғирлиги бир ярим тоннагача бўлган моржлар қитъамизнинг энг шимолидаги Лаптевлар, Чукотка ва Беринг денгизларида учраркан. Айсберглар сузиб юрадиган ўша денгизлар, муз соҳиллар моржлар макони...

Атоқли адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжоновнинг «морж»лигини -- музларни палахса-палахса ёриб Анҳорнинг совуқ сувида бамайлихотир чўмилиши ҳақида эшитардим. Ҳадемай минг ойни кўриш бахтига мушарраф бўлажак устозни айни қиш чилласида учратдим. Қаерда дейсизми? Пойтахтимиз ҳуснига жило бериб оқадиган Анҳорда чўмилаётганида! Атрофи дарахтлар билан гавжум Анҳор бўйида «Морж» деб номланган соғломлаштириш хайрия спорт жамияти жойлашган. Жамиятга қарашли мўъжазгина бинода ечиниш-кийиниш, ювиниш хоналари мавжуд. Бу бинога ёз пайти «эҳтиёж» бўлмаслиги мумкин. Аммо, чор-атрофни тизза бўйи қор қоплаганда уст-бошни ечиб қўядиган жой керак-ку!

Айни қиш чилласи. Тўлиб оқаётган ўйноқи сувлар қирғоқларни қоплаган қалин қорларни «ялаб» ўтаётир. Худди шу паллада «Морж» майдончаси одамлар билан гавжум. Улар орасида кўпчиликка таниш чеҳра -- муҳтарам домламиз ҳам худди ёздагидек завқ-шавқ билан чўмилмоқда!

Бу ажиб манзарани суратга олдириб, газетада ёритиш истаги пайдо бўлди. Таҳририятга келдиму фотомухбиримиз Шавкатжон Акромовни бошлаб кетдим. Афсус, биз етиб боргунимизча домла уйларига кетишга улгурибдилар. Барибир, қуруқ қайтмадик. Қорга юмалаб завқланаётган кишиларга яқинлашдик. «Морж»лар сувдан чиқиб қорга думалашар, қордан туриб анҳорга шўнғирдилар. Мана, биринчи суҳбатдошимиз Рубен Саркисов:

-- Мен зилол сув билан тирикман. Умрбод сув қурилиши муҳандиси бўлиб хизмат қилдим. Катта Фарғона канали қурилишида иштирок этганман.

-- Ўзингиз қачондан бери «морж»сиз?

-- Янглишмасам, ярим асрча бўлиб қолди-ёв.

-- Фойдаси бўлса керак-а?

-- Кўриб турганингиздек, -- деди Рубен ака кулиб. -- Ёшим 85 дан ошса ҳамки ўзимни йигитлардек бардам ҳис этаман!

Оппоқ қорга узала чўзилиб ётган ҳолда «интервью» берган отахон эпчиллик билан турди-да, сувга шўнғиди-кетди!

Навбатдаги суҳбатдошимиз мусиқашунос Одил Расулов бўлди:

-- Насиб этса, 70 ёшга тўламан! Одам маълум ёшга етгач, ўзингдан каттароқларга қараб далда олар экансан. Қаранг, Рубен аканинг олдида биз ҳали ким бўлибмиз! У кишининг ёшига етишимизга ҳали анча бор!..

Боядан бери муздай сувда балиқдек сузиб юрган одам -- Вера Рисаева деган опахон эканини кўриб ҳайратда қолдик.

Дунёда қайси жонивор қанча умр кўришини озмикўпми биламиз. Бироқ, сайёрамизнинг энг чекка қутбларидагина учрайдиган моржлар неча йил яшашини ҳеч ким билмаса керак. Ўзини кўрмагандан кейин... Бироқ, бир ҳақиқат аён кўриниб турибди: ўша жониворларни-да доғда қолдирганча қиш чилласида ҳам эмин-эркин чўмилаётган табаррук кишиларимиз -- ўзимизнинг «морж»лар бемалол юз ёш билан юзлашишларига умид қилса бўлади!

Тўлқин ЭШБЕК,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Шавкат АКРОМОВ олган суратлар.

1

НАВБАТ ЯРИМ ФИНАЛГА

Ливанда футбол бўйича Осиё чемпионлари кубоги учун ўтказилаётган мусобақада кучлилар сараланмоқда. Маълумки, Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари бу мусобақада иштирок этиб, имкониятни бой бериб қўйишди. Курашнинг ярим финалида эса Эроннинг «Ферузи» — Хитойнинг «Долян» ҳамда Саудия Арабистонининг «Ал-Ҳилол» — Кореянинг «Поханг» жамоалари ўзаро куч синашадиган бўлишди.

ЎРИНБОСАРЛАР ШАЙЛАНМОҚДА

Орзиқиб кутилаётган дамлар яқинлашмоқда. Яна бир ҳафтадан кейин минглаб ишқибозлар қалбига сурур бағишловчи катта футбол мавсуми бошланади. 18 март — Футбол куни бўлиши учун барча ташкилий-тадбирий ишлар амалга оширилмоқда. Олий лига жамоаларининг асосий ўринбосарлари ҳисобланган биринчи лига футболчилари эса дастлабки учрашувларни 2 апрелда ўтказадилар. Шу куни «Кимёгар» — «Тадбиркор», «Роҳат» — «Хива», «Ситора» — «Шўрчи», «Орол» — «Шўртан», «Шаҳрихон» — «Қизилқум», «Цементчи» — «Машъал», «Янгиер» — «Истиқлол», «Гулистон» — «Лочин», «Афросиёб» — «Тўқимачи», «Чилонзор» — «Атласчи» жамоалари майдонга тушадилар.

Спорт

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-20-36, 136-54-35.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс— 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳайдар НОСИРОВ, навбатчи Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 36136 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 01046

Босишга топшириш вақти -21.00. Топширилди – 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ўн саккиз минг олам

ЙИРТҚИЧ ҲАМ ИНСОНДАН НАЖОТ ИЗЛАЙДИ



Баъзан йиртқич ҳайвонлар ҳам ночор вазиятда инсонлардан нажот истар эканлар.

Воқеа Сурхондарё вилоятининг қишлоқларидан бирида Сафаров Одил ака хонадонида содир бўлади. Қоқ ярим тун, бемаҳалда итнинг тинимсиз ҳурушидан уйғонган уй эгаси ярим тунда кимдир келган бўлса керак, деган хаёл билан ҳовлига чиқади. Ҳовлида эса Одил аканинг ити кулранг ҳайвон билан тинимсиз олишмоқда эди. Одил ака уларга қарата қичқиргач, олишув тўхтаб, ит югуриб уйга кириб кетади. Аммо иккинчиси кулранг ҳайвон Одил ака томон кела бошлайди ва енгидан маҳкам тишлаб, ҳовли томон тортқилайди. Одил ака ҳарчанд уринса ҳам унинг чангалидан қутила олмайди. Уй эгаси бу йиртқич чангалидан қутулиш учун ўғилларини ёрдамга чақиради. Ҳайвон эса Одил аканинг енгини ҳечам қўймас ва алланечук оҳангда нола қилиб, ғингшир, ҳовли томон тортқиларди. Одил акани жуда таажжубга соладиган томони шунда эдики, жонивор шикаст етказмаслик даражада тишлашга уринарди. Ёрдамга чиққан ўғил калтак топиб, йиртқич чангалидан отасини қутқариш учун чироқни ёққанида, бу кулранг ҳайвон бўри эканлиги маълум бўлди ва кучли шовқин-сурондан сўнггина бўри чиқиб кетади. Аммо бўри қишлоқни тарк этмай, қўшни хонадонга киради -- меҳмонлар уйларига кетиш мақсадида тараддуд кўраётганда, улардан бирининг этигини қўнжидан тишлаб, тортқилай бошлайди. Бу воқеадан шошиб қолган меҳмон бўрини бошига қўлидаги сумка билан ҳарчанд урса-да, бўри тишлаган жойини қўймай тураверади. Бу олишувдан тезда хабар топган уй эгаси қўлидаги пичоқни шиддат билан йиртқич кўксига бир неча бор санчади. Йиртқич оғзини очган ҳолда жон беради. Унинг оғзидан эса жайранинг найзалари кўриниб турарди.

Бу саргузаштнинг ҳайратомуз қизиқ томони шуки, анча кун оч ўлжа топа олмай юрган бу йиртқичга емак сифатида жайра учраб қолади ва йиртқич очлик азобидан қутулиш учун апил-тапил жайрани ейди. Жайраннинг ўткир тиғли найзалари бўрининг тиш милклари орасига кириб кўрқув азобидан оғриқ азоби устунлик қилиб, у одамлардан нажот ва ёрдам истаб келган экан.

Асқар ХОЛМЎМИНОВ.

БАЛЛИ, ФЕРМЕРЛАР!

Қибрай туманининг «Турон» жамоа хўжалигида шу пайтгача фаолият кўрсатиб келаётган бешта деҳқон-фермер хўжалиги ҳамкорликда иш юритишга аҳд қилди. Улар ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ажратилган маблағларни жамлаб, «Турон-97» масъулияти чекланган жамият қошида сутни қайта ишлаш корхонаси қуришга келишдилар.

Бу борада исроиллик ишбилармонлар кўмакка келишди. Жамият фермасида хориж технологияси ва қурилмалари асосида ишлайдиган корхона қурилиши бошланди. Бунёдкорлик ишлари қисқа фурсатда амалга оширилди.

Куни кеча хўжаликда янги корхона ишга туширилди.

У бир кунда 10 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга.

Шоюсуф МИРЮСУФЗОДА.

ЁЗУВЛАР «СИРИ»

Дунёда ким кўп -- «ёзувчи» кўп. Қизиғи, уларнинг дастхатлариданоқ қанақа одам эканликларини аниқлаш мумкин экан. Инонмасангиз синаб кўринг.

Чап томонга хиёл қийшайган ёзув -- ўжарлик, эҳтиёткорлик, журъатсизликдан;

узун ҳарфлар -- оқсуякликдан;

қапиштириб ёзилган ҳарфлар -- хаёлпарастликдан;

ўнг томонга хиёл букилган ёзув -- теран ақл ва шижоатдан;

жимжимадор дастхат -- меҳрибонликдан;

тик, равон дастхат -- сергайратлик, кучли иродадан;

ҳарфларни бўлиб-бўлиб ёзиш -- бамаънилик, мулоҳазакорликдан;

ҳарфларни майда қилиб ёзиш -- худбинлик, писмиқ табиатдан;

ҳарфларни бир текис ёзиш -- хотиржамликдан;

чатиштириб ёзиш -- устамонликдан;

ингичка ёзув - илм-фанга мойилликдан;

аниқ , лўнда дастхат -- ҳар нарсага шубҳа билан қарашга мойилликдан дарак беради.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Қимтиса ўтади осмонда қушдан,
Белига ярашган карк қубба пуштан,
Ҳеч камлик бўлмаса йўрға юришдан,
Асл тулпор экан ўзбекнинг оти.

Эшитмадим деманглар, эшитганлар қолманглар!

Шу йилнинг 14 март куни эрта тонгдан Навоий вилояти Хатирчи тумани «Олтинсой» жамоа хўжалигида «Алпомиш» достони яратилганининг 1000 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» ва «Осиё бозори» газеталари соврини учун республика кўпкари мусобақаси ўтказилади. Мусобақада мамлакатимизнинг Алпомишсифат чавандозлари беллашадилар. Бойчибормонанд тулпорлар кўпкарига киради.

Армонда қолмай десангиз, кўпкарига шошилинг!

Бедов миниб, от-абзалинг шайласанг,
Пойга қилиб кўп шумликни ўйласанг,
Пойганинг бошида тортиб бойласанг,
Ўн беш кун илгари берман ҳайдасанг,
Барибир ўзади ўзбакнинг оти!!!

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА.

МУҲТАРАМ ДЎСТЛАР!

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

«ПОЙТАХТ ТАРАҚҚИЁТИ»
лотереясининг ютуқлар тиражи
Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан шу йил 10 апрелга кўчирилди.
Лотереяларни сотиб олишга шошилинг, омадингизни қўлдан бой берманг!
Тиражда квартиралар, ер участкалари, радио-видеоаппаратуралари, электр маиший рўзғор буюмлари, шунингдек пул ютуқлари бор.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!